RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

УШБУ СОНДА:
2 ТАЖРИБАСИЗЛИКМИ ЁКИ БЕПИСАНДЛИК?
3 ЯРАШУВ – БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ
ТАШХИС: "ҲАФСАЛА ТАНҚИСЛИГИ"
4 "ҚОЛИПГА" СИҒМАГАН ОДАТЛАР...

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 19 (425) 2005 йил 31 май сешанба

Сотувда эркин нархда

Ўз келажаги, эртанги кунини ўйлаган ҳар бир миллат баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказишга алоҳида эътибор қаратади. Чунки келажак ёшлар қўлидадир. Бу эса аввало бола ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашни тақозо этади. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларидан бошланади. Таъкидлаш жоизки, халқимиз мустақиликка эришганидан сўнг миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари кафолати тўлиқ ўз аксини топди.

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР БУРЧ

1 июн — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни

Бош қомусимиз бўлган Конституциянинг 64-моддасида **"давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди"**, дея қатъий белгиланиши мамлакатимизда болаларга бўлган муносабатнинг амалий исботидир. Бундан ташқари, Оила кодексининг 65-моддасида **ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан яшаш ҳуқуқига эга экани** белгилаб қўйилган. Мабодо бола етим қолган ёки ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-она қарамоғидан четда қолган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан таъминланиши ҳам қонунчиликда кафолатланган.

Бундан ташқари, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқини камситиш, улар билан қўпол муомалада бўлиш, уларга жисмоний азоб бериш ва уларнинг манфаатларига зид бўлган бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилиш қонунга мувофиқ таъқиқланади. Шунингдек, қонунчиликда ота-она зиммасига бола туғилган ва яшаб турган оилада унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Оиланинг ички ҳаётига ва болаларнинг турмушига ўзбошимчалик билан аралишишига, бола тарбиясига салбий таъсир ўтказилишига қонун бўйича йўл қўйилмайди.

Болаларга тааллуқли бундай ҳуқуқлар "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясида ҳам қайд этилган. Мазкур Конвенция болалар ҳуқуқини дунё миқёсида ҳимоя қилишга қаратилган халқаро юридик ҳужжатдир. Унда болаларга тегишли бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқлар баён этилган. Масалан, Конвенцияга мувофиқ бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Мамлакатимизда эса боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик идораси, прокуратура ва суд томонидан амалга оширилади.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, васийлик ва ҳомийлик идорасига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шу ўринда мамлакатимизда ёш авлодни билимли ва соғлом қилиб тарбиялаш, уларга зарур шарт-шароит ва қулайликларни муҳайё этиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунга таълим тизимининг тубдан ислоҳ этилгани, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг қабул қилингани, юзлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб ишга туширилгани, мактаб соҳасида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу каби кенг кўламли ислоҳотлар ўз мазмун-моҳияти билан ёшларни, фарзандларимизни билимли, кучли, соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилгани билан янада эътиборлидир. Биргина **"2004-2005 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури"** доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга гувоҳ бўлиб турган ёш авлод меҳр-оқибат, яхшилик каби эзгу амалларнинг нечоғли куч-қудратга эга эканлиги, жамият ривожидаги беқиёс аҳамиятини чуқур ҳис қилмоқда. Чунки умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга давлат бюджетидан 15 миллиард 294 миллион 900 минг сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ўниб-ўсиб келаётган ёш авлодга меҳр-мурувват, ғамхўрлик кўрсатиш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай чора-тадбирларни санаб адоғига етиш қийин. Ўтган ҳафтада Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари ҳам мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида ўтган аср бошларида яшаб ўтган маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёшлар тарбияси миллат учун ҳаёт-мамот масаласи эканини таъкидлаганини келтириб ўтишни лозим топдик. Чунки бу фикр ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди. Зеро, ёш авлодни билимли, кучли ва баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш барча замонларда келажакка дахлдор муқаддас бурч саналган. Буюк келажакни кўзлаган халқимиз ҳозирги кунларда бурчни янада теранроқ англамоқда. Буни авлод баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар яққол исботлаб турибди.

Баҳодир УСМОНОВ

Munosabat

ҲАР БИР НАРСАНИ ЎЗ НОМИ БИЛАН АТАШ КЕРАК

Дунёда ҳар бир нарсани, рўй берган воқеа-ҳодисани ўз номи билан аташ керак. Шунда адолат тамойили бузилмайди, турли хил фисқи-фасод ва тахминий мулоҳазаларга ҳожат қолмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек, **ҳар бир фикр аниқ далилга асосланиши лозим.** Мана шу тамойил бузилгани, Андижон воқеалари айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида атай бузиб, ҳақиқатга зид равишда талқин қилингани, сафсата ва уйдирма тарқатилгани халқимизни қаттиқ ғазаблантирди.

Ҳақиқатга мутлақо зид бундай уйдирмаларни эшитиб, ёқа ушлайсан киши. Беихтиёр халқимизнинг "Ўғри бўл, ёлғончи бўл, лекин инсоф билан бўл!" деган гапи хаёлингиздан ўтади. Ахир, 13 май куни кечаси уюшган жиноий тўда милиция соқчилар постига ва ҳарбий қисмга ҳужум қилгани, милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчиларни ваҳшиёна ўлдириб, қўшимча қурол-яроғ олгани, қамоқхонага ҳужум уюштириб, қонуний жазо муддатини ўтаётган маҳбусларни мажбуран ташқарига чиқариб қуроллантиргани, йўлда учраган одамларни гаровга олиб, ҳокимият биносига бостириб киргани ўша куни хабар қилинган, шунингдек, 14 май куни бўлиб ўтган Президентнинг матбуот анжуманида яна қайта-қайта таъкидланган эди-ку!

Беайб ва бегуноҳ одамлар ўлимига сабаб бўлган, мамлакатда нотинчлик келтириб чиқарган бу мудҳиш ҳодиса ўз номи билан террор эмасми?! Нега энди хорижлик айрим сиёсатчилар ва журналистлар бизнинг бошимизга тушган бу фожиадан ўзларича тўн бичиб, халқимиз, мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиришга ҳаракат қилишди, оловга мой пуркашди.

Бунинг бир сабаби, "Озодлик" ва "Би-би-си" радиостанциялари ҳеч қачон бизга хайрихоҳ бўлган эмас. Қолаверса, ҳамон айрим шарқ халқларига «иккинчи даражали одамлар» деб қараш кайфияти йўқ эмас. Уларга йўл кўрсатишни, ақл ўргатишни, ҳукмини ўтказишни истайдилар...

Бугун Андижонда вазият изга тушгач, 13 май куни террорчи гуруҳлар қандай ёвузлик ва разолат содир этгани кундай равшан бўлмоқда.

"Андижондаги "Ёшлар" телерадиокомпанияси раҳбари Комилжон Парпиевни ҳам тажовузкорлар гаровга олишиб, вилоят ҳокимлиги биносида тутиб туришган, — деб ёзади журналист Карима Мамажонова. — Комилжоннинг айтишича, террорчилар унинг кўз ўнгида вилоят ҳокимлигининг уч нафар ходимини осиб ўлдиришган. Андижон шаҳар прокурори ва яна гаровдагилардан ўн кишини отиб, жасадларини ҳокимлик ички биноси ҳовлисига кўмиб ташлашган. Шунингдек, 40 кишининг устидан бензин қуйиб, ёқиб юборишган".

Ҳаётда бундан ортиқ қабоҳат бўлармикан?

Ёвузлик қурбони бўлган бегуноҳ инсонларнинг қандай гуноҳи бор эди? Ахир, улар ҳам одамдек яшаш, орзу-ҳавас кўришга ҳақли эди-ку?!

Бунинг устига хорижлик баъзи бир сиёсатчи ва журналистлар ана шундай хунрезлик содир этган террорчи гуруҳни очиқ-ошкор тинч намойишчилар деб айтаётганда, қурбон бўлган бегуноҳ кишиларнинг хотирасини таҳқирлаётгани, уларнинг оила аъзолари, фарзандларини баттар изтиробга солаётганини наҳотки хаёлларига келтирмайди?!

Нима, террорчилар томонидан бегуноҳ одамларнинг хўрланиши, ҳатто ҳаётидан жудо қилиниши инсон ҳуқуқларининг топталишига кирмайдими?!

Ўша кун террорчи гуруҳлар гаровга олинган ҳимоясиз одамларни ўзлари истаган тарзда хўрлашган, таҳқирлашган ва ҳатто уларнинг бор-будини шилиб олишдан ҳам қайтмаган.

— Террорчилар гаровга олинган одамларнинг қўл телефони, тилла тақинчоқлари ва ҳатто чўнтакларидаги 100-200 сўм пулгача тортиб олган, — деб ёзади андижонлик журналист Илҳом Эгамназаров. — Улар, ортиқча қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, бир оғиз гап учун ҳам, одамни қўйдек бўғизлаб ташлашдан қайтмаган. Бу ёвуз тўда ҳаётга қабиҳликдан бошқа ҳеч нарса олиб келмайди.

Хўш, хорижлик айрим валломатлар террорчиларнинг бундай қароқчилиги ҳақида нега лом-мим демайди?

Аслини олганда, қўли қонга ботган террорчилар сингари хорижлик айрим мухбир ва сиёсатчилар ҳам атай ҳақиқатга зид иш тутаётганини, ўзларининг даъволари ниҳоятда пуч эканини билмайди, дейсизми? Ҳаммасини яхши англашади. Бироқ улар ўзларини ана шундай қабоҳатга бошлаган қайсидир кучнинг ҳаром луқмасини ютиб қўйишган. Энди шунинг ҳақини оқлаш керак. Шу боис ҳам, оғиз йиртиб, қорани оқ дейишга уринишмоқда.

Агар ёдингизда бўлса, Президент Ислом Каримов шу йилнинг январида "Независимая газета" мухбирининг саволларига берган жавобларида дунё миқёсида кучайиб бораётган мафкуравий кураш жараёнларига яна бир бор алоҳида эътибор қаратган эди:

— **Кишилик жамияти ўз тараққиёти давомида қўлга киритган ютуқлардан бири шуки, XXI асрга келиб, жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгида бир давлат иккинчи бир мамлакатни босиб олиши, унга қуролли ҳужум қилиши мумкин эмас,** — деб таъкидлади Юртбошимиз. — **Дунёдаги соғлом кучлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар бундай тажовузга асло йўл қўймайди. Аммо шу билан истилочилик каби ғаразли уринишлар бутунлай барҳам топди, десак, хато қилган бўламиз. Эндиликда жаҳон майдонида муайян ўлкага ўз сўзини ва сиёсатини ўтказиш, уни ўз таъсир доирасига олиш, аввало ўша юртда яшаётган аҳоли онгини эгаллаш, турли ғоявий ва сиёсий технологияларни "экспорт" қилиш каби шакл ва услубларда намоён бўлмоқда.**

Умуман айтганда, Андижон воқеаларини зийраклик билан кузатган киши бу хунрезлик илгаридан пухта тайёргарлик кўрилиб, сўнг амалга оширилганига ишонч ҳосил қилади.

Нега деганда, Андижонда рўй берган фожиа теварагидаги ҳуруж ва уйдирмалар ҳам шундан дарак беради.

Қаранг, 13 май куни ҳали вазият тўлиқ ойдинлашмай туриб, хорижлик айрим сиёсатчи ва журналистлар вазиятга ўзларича тус бериб, шоша-пиша дунёга уйдирма ахборот тарқатишга тушишди.

Аслида, ўша куни бундай ахборот тарқатган журналистларнинг бирортаси ҳам Андижонда қандай воқеа рўй берганидан бехабар эди.

Шундан сўнг бу фожианинг ортида турган кучларнинг иккинчи бир пинҳон режаси юзага қалқиб чиқди. Аниқроқ айтганда, айрим давлатларнинг сиёсатчилари ва баъзи бир халқаро ташкилот вакиллари Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш учун халқаро экспертларни жалб этиш керак, дея даъво қила бошлашди.

Қаранг, фожеа ортидаги яширин режалар бир-бирига қандай боғланиб кетган: аввалига тақир ердан чанг чиқаришга уринган хорижлик айрим журналист ва сиёсатчилар Андижонда рўй берган воқеаларни мутлақо тескари талқин қилиб, дунё жамоатчилиги фикрини ўзгартиришга уринишди. Кейин эса саҳнага чиққан яна бир куч халқаро экспертларни чақириш керак, дея даъво қилди.

Хўш, буларнинг бари муайян куч томонидан олдиндан режалаштирилган қабиҳликни эслатмайдими?!

Бундай хуруж ва асоссиз даъволардан кўзланган мақсад нима дейсизми?!

Ҳеч шубҳасиз, бундай хатти-ҳаракатларнинг бари айланиб келиб, бир нарсага боғланади. Яъни, Ўзбекистонда нотинчлик ва беқарорликни келтириб чиқариш, уни тараққиёт йўлидан қайтариш ва бу ҳудудда яна битта оловли нуқтани юзага келтиришдир.

— Андижонда рўй берган фожеали воқеалар халқимизни қаттиқ ғазаблантирди, — дейди Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмонов. — Бироқ хорижлик айрим журналист ва сиёсатчиларнинг куракда турмайдиган даъвою сафсаталари ҳаммасидан ошиб тушди. "Фридом Хаус" деган нодавлат ташкилот вакили уялмай-нетмай Андижонда рўй берган воқеаларни халқаро текширувчилар ўрганиб чиқсин, дейишгача етиб борди-я. Хўш, бу нимани англатади? Ахир, бу халқимизнинг ақл-заковати, шаъни ва қадр-қимматини оёқости қилиш, эмасми? Шу маънода, Президентимиз **«Биз мустақил давлатмиз. Ўзимизнинг муаммомизни ўзимиз ҳал қилишга қодирмиз»,** деб жуда тўғри айтди. Куни кеча, мустабид тузум даврида четдан келган бундай "текширувчилар" қандай ҳунар кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас. "Ўзбеклар иши", "Пахта иши" деган уйдирмалар охир-оқибатда қанчадан-қанча юртдошларимиз ҳаётини остин-устун қилиб ташлади. Шу ўринда ҳануз юрагимни тўлқинлантираётган бир воқеага тўхталиб ўтмоқчиман. Яъни, Андижон воқеалари атрофида турли хил бўҳтон ва уйдирмалар авж олган паллада давлатимиз раҳбари юртимиз манфаатлари, халқимиз шаъни, қадр-қимматини қатъият ва шижоат билан ҳимоя қилгани кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Мен ўша кунлари юзлаб одамлардан: "Шукр, Президентимиз юртимиз эгалик эканини яна бир марта кўрсатди", деган гапларни эшитдим. Оддий одамларнинг бу эътирофи замирида жуда катта маъно-мазмун мужассам.

Ҳаёт пайдо бўлганидан буён ҳар бир миллатнинг улуғ сиймолари доимо ўз халқини уйғоқлик ва тараққиётга ундаб келади. Чунки, тарихдан маълумки, ҳушёрликни унутган ва ўз ҳаётини қутлуғ мақсадлар асосида ташкил этмаган халқ келажагини бой беради, кимгадир муте ва қарам бўлиб қолади.

Бу дунёда тенглар ичра тенг бўлиб, озод ва эркин яшаш, отамерос заминга эгалик қилиб, замонага муносиб ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказиш инсондан жуда кўп нарсалар талаб этади.

Шу маънода, айтиш керакки, бу дунёда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, орзу-ҳавас кўриш учун ҳар бир инсон ўзининг ва она юртининг қадр-қимматини ҳимоя қила олиши керак. Зотан, мустақиллигимиз аждодларимизнинг неча юз йиллик орзу-интилишлари рўёбидир. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримиз учун, келажак авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ш. ҲАМРОЕВ

Huquqiy ma`rifat

КРЕДИТЛАШ: КАФОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда жамиятни модернизация қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, шу жумладан, кичик тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга стратегик вазифа сифатида қаралмоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти бўлган фермерлик энг истиқболли ва самарали ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида ўз афзалликларини намоён этмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда юртимизда 120 мингга фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва улар муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бу соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари янги таҳрирдаги **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонун, Ер кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги **«2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фермер хўжалигининг молиявий таъминланганги унинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади. Бу хилдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятида банклар томонидан кредитлаш муҳим аҳамиятга эга. Кредитлаш эса кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасида баён этилишича, кредит шартномаси бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилотининг (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул маблағини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятларини оладиган келишувидир.

Кредит муносабатларининг асосий белгиларига кредитнинг мақсадли йўналтирилгани, унинг муддатли экани, олинган кредит учун тегишли фоизлар тўланиши ва мажбуриятлар таъминланган каби хусусиятларни киритиш мумкин.

Фермер хўжаликлари жорий ишлаб чиқаришини молиялаштиришда микрокредитларнинг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фермерлар ва кичик тадбиркорликнинг бошқа субъектлари учун микрокредит ажратиш деганда ссуда бериш кунида Марказий Банкнинг курси бўйича ўн мингга АҚШ доллари эквиваленти бўлган ҳажмда хорижий ёки миллий валютадаги кредитлар бериш тушунилади.

Фермерларга аҳолидан чорва моллари, парранда, уруғликлар, кўчатлар сотиб олиш учун микрокредит маблағининг 50 фоизигача миқдорда 1,5 йил (18 ой) муддатга нақд шаклда беришга йўл қўйилади.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil ko`zgusi

ЎРГАНИШ САМАРАСИ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адлия идоралари ходимларининг қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бевосита жойларга чиқиб, мавжуд аҳволни ўрганиши яхши самара бермоқда. Бундай ўрганишларда камчилик ва хатолар жойида таҳлил қилиниб, йўл-йўриқ кўрсатилади, қонун ва қарорлар тушунтирилади, зарур бўлганда таъсир чоралари ҳам қўлланилади.

Яқинда Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари Олмалиқ шаҳрида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини ижросини атрофлича ўрганиб чиқишди.

Ўрганишда Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, Олмалиқ шаҳар ҳокимлигида 2004 йил 28 майда 1184-рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ORION GRAF" хусусий фирмасининг ҳуқуқи муайян даражада чеклаб қўйилган. Гап шундаки, фирма Солиқ кодексининг 92-моддасига мувофиқ 2 йил муддатга мулк солиғидан озод қилиниши лозим эди. Бироқ солиқ идораси томонидан фирмага нисбатан имтиёз қўллаш ўрнига унинг ҳисоб рақамига 2005 йил 23 февралда 401236-рақами билан 27.000 сўм миқдорида "инкасса" топшириқномаси қўйилган. Бу — қонунга зиддир.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасининг 2004 йил 4-сентябрдаги 03/243-хе-сонли буйруғига мувофиқ шаҳар солиқ инспекцияси ва шаҳар прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида тадбиркор Н.Коденцовага тегишли дўкон текширилган. Натижада савдо дўконида назорат-касса машинаси йўқлиги, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб, рухсатсиз спиртли ва чанқовбости ичимликлар билан савдо қилинаётгани аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан Н.Коденцовага нисбатан МЖТКнинг 164-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун шаҳар ДСИга юборилган. Ушбу маъмурий иш МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисми билан малакаланиб, судга оширилиши ўрнига ДСИнинг тегишли қарори билан тадбиркор 19590 сўм маъмурий жаримага тортилган, холос.

Шунингдек, "Тошкент савдогар" ИЧТФда ўтказилган қисқа муддатли текшириш вақтида сотувчи О.Мамаров харидор ҳақига хиёнат қилгани ва дўкондаги айрим товарларда нарх кўрсаткичлари йўқ экани аниқланган. Шу сабабли солиқ идораси томонидан МЖТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан унга маъмурий жарима белгиланган. Шуни айтиш керакки, жарима орадан 3 ой 19 кун ўтгач, тўлов паттасига асосан ундириб олинган. Ваҳоланки, ушбу ҳолатда МЖТКнинг 330-моддаси талабларига мувофиқ қарор 15 кунлик муддатда мажбурий ижрога қаратилмаган бўлса, 3 ой ўтгандан сўнг ижро юритувидан тугатилиши лозим эди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil ko`zgusi

ЎРГАНИШ САМАРАСИ



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Олмалиқ шаҳар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги 357-сонли Низом талабларига зид равишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилганди. Жумладан, 2005 йил 13 январда давлат рўйхатидан ўтказилган "LADYA" масъулияти чекланган жамиятидан жамиятни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси, 2004 йил 29 октябрда ҳисобга олинган якка тадбиркор Р.Нишоновадан ижара шартномаси ортиқча равишда талаб қилиб олинган. Бундай қонунбузилиш ҳолати яна 7 та тадбиркорлик субъектига нисбатан ҳам юз берган.

Низомнинг 22-бандига зид равишда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотларни 14-16 кундан кейин статистика бўлимларига тақдим этиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Масалан, 2004 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтган "Зуҳра Абдурашид қизи" хусусий корхонасига статистика кодлари олиш учун маълумотнома шаҳар статистика бўлимига 2004 йил 7 октябрдагина берилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказишда белгиланганидан ортиқча миқдорда маҳаллий йиғим олинган. Масалан, 2005 йил 18 мартда "Sevinchbek-AHS" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси МЧЖ сифатида қайта рўйхатдан ўтиши муносабати билан маҳаллий йиғим учун 32.650 сўм тўлаган. Бу, белгиланганидан 16.325 сўм кўп эканини мутаассадилар билишармиди, деган савол ўринсиз бўлса керак. Лекин нима бўлганда ҳам, яна иккита шундай ҳолат такрорланган — факт. Устига-устак, фаолият турини ўзгартирганлик учун ҳам тадбиркорлардан маҳаллий йиғимлар олинган.

Ўрганиш жараёнида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан чиқаришда ҳам қўпол қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди.

Мисол учун айтсак, "Тонг" хусусий корхонаси тугатилиши муносабати билан даъво ва аризалар учун 2 ойлик муддат кўрсатилиб, бу ҳақда 2005 йил 19 март куни матбуотда эълон берилган ва орадан 10 кун ўтгач, корхона рўйхатдан чиқарилган. Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 55-моддасида белгиланишича, тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуотда юридик шахс тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар қилади. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

"Ҳамкорбанк"нинг Олмалиқ шаҳар филиали 713 та юридик ва хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бироқ банкда ҳисоб рақами очишда ҳамон ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолати барҳам топмаган. "Интерграфт" МЧЖдан ДСИИНН рақами, "Жаҳонгир" хусусий фирмасидан Пискент тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш комиссияси қарори, "Мовий савдо" хусусий фирмасидан таъсисчининг қарори, хусусий тадбиркор В.Лидан импорт операцияларини ҳисобга олиш карточкаси ортиқча талаб қилинган.

Шунингдек, банкка келиб тушган айрим тўлов талабномалари мижозга имзо орқали топширилмаган, маблағлар унинг розилигисиз ижрога қаратилган. Жумладан, шаҳар "Сувоқава" ташкилотининг "Солис", "Светоч", "Стомадоктор" хусусий фирмаларидан, "Ширинтой" корхонасидан 2.000 дан 12.000 сўмгача бўлган, Олмалиқ шаҳар газ таъминоти филиалининг "Вазира-Тоҳир" хусусий фирмасидан 6327 сўм қарзини ундириш ҳақидаги тўлов талабномалари актцепланмасдан ижрога қаратилган.

Кредит сўраб мурожаат қилган тадбиркорларга нисбатан ҳам банк томонидан уларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари кузатилади. Хусусий тадбиркор А.Бўтаевга 16-сонли кредит шартномаси билан 2004 йил 9 сентябрда қорамол сотиб олиш учун 979500 сўм кредит ажратилган. Ариза 2004 йил 3 сентябрда берилган бўлсада, гаровга қўйилган мулк 2004 йил 26 августда ўрганилиб, баҳолаш далолатномаси тузилган. Худди шундай ҳолат З.Курчиев, Ш.Сувоновга, "Абдуваҳоб" хусусий фирмасига нисбатан ҳам кредит ажратишда такрорланган.

Баён этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан тақдимномалар киритилган эди. Айни пайтда улар бартараф этилди. Келгусида бундай хатолар такрорланмаслиги лозим. Бунинг учун эса жойлардаги мутасаддилар, раҳбарлар ва ходимлар, қолаверса, ҳар бир фуқаро қонун ҳужжатларини ўқиб-ўрганиши, энг муҳими, унга амал қилишлари лозим.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Muloqot

"СУДГА МУРОЖААТ ЭТИНГ"

Отам менга тегишли бўлган 5 хонали уйни сотиб, ўзи яшаётган 3 хонали уйни менга берган эди. Ўғлим билан бирга шу уйда 10 йилдан буён яшаб келаётган эдик. Қолаверса, шу уйда рўйхатда турамиз. Яқинда ўғлимни даволатиш мақсадида Тошкентга олиб кетганимда, отам уйимизни маҳалламизда яшовчи бир кишига сотиб юборибди. Ҳолбуки, қонун бўйича уй сотилаётган вақтда оила аъзоларининг розилиги олиниши керак эди. Аммо отам қонун талабларининг бирортасига ҳам риоя қилмаган. Уйимни қайтариб олишим учун қандай йўл тутишим керак?

Насиба АБДУЛЛАЕВА
Андижон вилояти

— Ушбу масала юзасидан фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қиласиз. Суд шу уйда доимий рўйхатда турганингиз, вояга етмаган болаларингизни ва отангиз уйни қай тартибда сотганини эътиборга олиб, ишни одилона ҳал қилади.

Бундан ташқари, отангиз уйни қонун жиҳатидан сизнинг розилигингиз ва ёзма шаклда тузилган, нотариал тасдиқланган битим, яъни олди-сотди шартномаси асосида сотиши керак эди.

Фуқаролик кодексининг 107-моддасига асосан кўчмас мулкка нисбатан битим ёзма шаклда тузилади ва Фуқаролик кодексининг 110-моддасига асосан нотариал тартибда тасдиқланди.

Отангиз ана шу қоидаларга амал қилмай олди-сотди шартномаси тузган бўлса, суд унинг ҳаракатини ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

ТАЪТИЛ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари мен сизларга ўзимни қизиқтирган бир масала юзасидан мурожаат қилмоқдаман.

Мен навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш учун ариза ёзганимда, мутасаддилар корхонага текширувчилар келиши муносабати билан кейинроқ таътил беришни айтишди. Мен бунга рози бўлдим. Ва текширувлар тугагач, меҳнат таътилига чиқиш учун қайта ариза ёздим. Аммо раҳбарият иш кўплигини рўкач қилиб, яна меҳнат таътили беришмади. Айтмоқчиманки, меҳнат таътилига чиқишга раҳбарият қаршилик қилиши мумкинми? Агар меҳнат таътилига чиқиш муддати қайта-қайта ўтиб кетаверса, қаерга мурожаат қилиш керак?

Салима ҚАРШИЕВА,
Каттақўрғон тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ, барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимларга ҳам дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилади. Айрим тоифадаги ходимларга, уларнинг ёши, соғлиғи инобатга олиниб, йиллик узайтирилган таътиллар ҳам берилиши мумкин. Жумладан, 18 ёшга тўлмаган шахсларга 30 календар кун, ишлаётган 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига 30 календар кун меҳнат таътили берилади.

Қонунга кўра, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан сўнг берилади.

Бундан ташқари меҳнат таътили қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши билан олти ой ўтмасдан олдин берилади:

— **аёлларга, ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдиндан ёки кейин;**

— **биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига.**

Меҳнат кодексининг 135-моддасига мувофиқ, ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил муддати қайта-қайта ўтиб кетаверса, бу ҳақда меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш мумкин.

«ҚОНУНИЙ ЕЧИМИ БОР»

Мен 1999 йилда қўшни республикадан Андижонга келин бўлиб тушганман. Шу йилнинг март ойида учинчи фарзандимиз туғилди. Бироқ мен баъзи сабабларга кўра Ўзбекистонда доимий рўйхатдан ўтганим йўқ. Бу масалани қандай ҳал қилса бўлади?

Озода ИСМОИЛОВА,
Хўжаобод тумани

— Турмуш қурганингиздан сўнг эрингизнинг фамилиясига ўтишингиз керак эди.

Энди паспортни рўйхатга қўйдириш масаласига келсак, "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1999 йил 26 февралдаги Президент Фармони ва ушбу Фармонга илова қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

— Мамлакатимизнинг 16 ёшга тўлган фуқароларига;

— "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонун кучга киргунга қадар мамлакатимиз ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;

— "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ мамлакатимиз фуқаролигини олган шахсларга берилади.

Ушбу Низомнинг 26-бандида «Фуқароларни қайд этиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муайян истиқомат жойида шахснинг доимий ёки вақтинча яшаб туриши фактини ички ишлар идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олишдир. Шахс муайян истиқомат жойида доимий яшаш ниятида бўлган ҳолларда доимий қайд этиш амалга оширилади», дейилган.

Қуйидагилар мамлакатимиз ҳудудида доимий қайд этиш ҳуқуқига эгадир:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- хорижий фуқаролар, шу жумладан, МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар ушбу тоифадаги шахсларда Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномалари мавжуд бўлган тақдирда.

1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент Фармонининг 1-бандига биноан хорижий фуқаролар, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мамлакатимиз ҳудудида ички ишлар идоралари томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномаси бўлгандагина доимий қайддан ўтиш ҳуқуқига эгадир.

Демак, бу борада Хўжаобод тумани ички ишлар идорасига мурожаат этасиз. Шундагина бу масала қонуний ҳал этилади.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

Qonun dastagi

БАҲОНАСИ ЎТМАЙДИ

Наманган туманидаги "Жулибой ота ЖШОЯ" фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 14 гектар ер майдонига ғалла ҳамда 10,3 гектар майдонга чигит экиб, маҳсулот етиштириш мажбуриятини ўз зиммаларига олишган эди. Фермер хўжалиги "Тошбулоқ тола" акциядорлик жамияти билан пахта хомашёси, "Наманган дон-маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти билан ғалла етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаларини тузди.

Аммо ҳўжалик раҳбари И.Жулиев шахсий манфаатини бошқа нарсадан устун қўювчилардан экан. У пахта учун ажратилган 10,3 гектар майдоннинг 0,50 гектарига ўзбошимчалик билан полиз маҳсулотлари экиб олди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 октябрдаги қарорининг 4-банди, фермер хўжалиги Низомининг 12-бўлими, 39-банди, 3-қисми ва фермер хўжалиги билан 2004 йил 10 февралда тузилган ер ижара шартномасида фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан мақсадсиз фойдаланиб, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилган экинлар ўрнига бошқа экинлар экиш — ижара шартномасини қўпол бузиш, деб ҳисобланиши кўрсатилган. Афсуски, фермер хўжалигининг раҳбари юқорида қайд этилган талабларни менсимай, ўз хоҳиш-истаги бўйича иш тутди.

Масаланинг яна бир қизиқ жиҳати шундаки, фермер хўжалиги томонидан ғалла ва пахта экилган майдонлар ҳақида туман ер ресурслари бўлимида тўлиқ ва аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Чунки ер ресурслари хизмати бошлиғи К.Раҳимов ва давлат кадастри бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган мониторинглар сохта бўлиб, юқоридаги ҳолатлар ҳужжатларда бошқача талқин этилган. Бир сўз билан айтганда, фермер хўжалиги раҳбарининг ноқонуний ҳаракатлари хаспўшланган.

"Жулибой ота ЖШОЯ" фермер хўжалиги томонидан ўзбошимчалик билан экилган 0,50 гектар майдондаги полиз маҳсулотларини буздириш, ўрнига чигит эктириш, унинг ғалла ва пахта майдонларини тегишли мутахассислар иштирокида қайта мониторингдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, баён этилган камчиликлар юзасидан айбдор шахсларга ҳам тегишли жазо тури тайинланиши лозим. Чунки улар Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 январдаги **"2005 йил пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"**ги қарори талабларига амал қилишмаган.

Наманган вилояти адлия бошқармаси шу йилнинг 7 май куни Наманган тумани ҳокими номига тақдимномани юборди. Мазкур тақдимномада юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар тез кунларда бартараф этилиши таъкидланди. Демак, фермернинг баҳонаси ўтмайди.

Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос



Табиат сеҳри

Dakki

ТАЖРИБАСИЗЛИКМИ ЁКИ БЕПИСАНДЛИК?

Айтайлик, хонадонингизга бирор-бир меҳмон ташриф буюрадиган бўлиб қолди. Табиийки, сиз меҳмоннинг иззатини ўрнига қўйиш учун уйингиздаги энг кўркам, озода ва шинам хонага жой ҳозирлайсиз.

Бу одатга давлат ва жамият миқёсида ҳам жиддий аҳамият берилади. Фарғона шаҳрида жойлашган, сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи "CLUB-HOTEL-777" қўшма корхонаси ҳам ана шу эзгу мақсадда ташкил қилинган. Қўшма корхонанинг ташкил этилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай у бир қатор хорижий ва маҳаллий меҳмонларга мезбонлик қилди. Бир сўз билан айтганда, "CLUB-HOTEL-777" ўз ишини қойилмақом қилиб уддалаб келмоқда.

Бироқ...

Келинг, гапни чўзиб ўтирмай бизни қоғоз қоралашга ундаган муаммо тафсилотларига тўхталайлик. Бундан бир йилча муқаддам, яъни 2004 йилнинг 9 июнида AI 645039-сонли божхона декларацияси асосида қўшма корхонага хориждан 18 та телевизор, музлатгич, кир ювиш машиналари, совутгич мосламалари — жами 27,254 АҚШ доллари қийматидаги меҳмонхона жиҳозлари келтирилган эди. Мазкур жиҳозлар корхонанинг чет эл таъсисчиси — "BREMBO INVRST LLC" компанияси томонидан корхона низом жамғармасини ривожлантириш мақсадида ажратилганди. Мақсад битта — кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилаш. Бироқ вилоят божхона бошқармаси "CLUB-HOTEL-777"га келтирилган мулкларни техник жиҳозлар эмас, балки истеъмол товарлари, деб баҳолади. Шунинг учун қўшма корхона 6.203.331 сўмлик қўшимча қиймат солиғини тўлаши шарт, деган талаб қўйди. Буёғи суриштирилса, Адлия вазирлигининг 2002 йил 15 апрелдаги **"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"**ги 1124-сонли йўриқномасининг IY-бўлим, 8.ж-бандида "Хорижий инвесторлар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг низом жамғармасига улуш сифатида келтирилаётган технологик жиҳозлар ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ янги корхоналарни барпо этишга, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва қайта жиҳозлаш учун киритилган технологик жиҳозлар республика банкларининг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади" деб кўрсатилган. Бунинг устига қўшма корхонага ҳақиқатан ҳам, технологик жиҳозлар келтирилгани ва улар учун қўшимча қиймат солиғи тўланмаслиги эса "Асакабанк"нинг Фарғона вилоят бўлими томонидан 2004 йил 3 июнда берилган маълумотнома ҳамда Адлия вазирлигининг 2004 йил 22 июндаги 08.39690-сонли маълумоти билан тасдиқланган. Албатта, қўшма корхона мутасаддилари ҳужжатларга асосланиб бир неча бор вилоят божхона бошқармасига мурожаат қилди. Лекин божхона мутасаддилари ноқонуний ундирилган солиқни қайтаришни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Орадан беш ой ўтди. Шунда ҳам муаммо ечимини топавермагач, "CLUB-HOTEL-777" раҳбарлари Фарғона вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишди.

Аслида амалдаги Солиқ кодексининг 71-моддасида қўшимча қиймат солиғи юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган истеъмол товарларига нисбатан татбиқ қилинмаслиги белгиланган бўлиб, қўшма корхонага келтирилган маҳсулот истеъмол товарлари бўлган тақдирда ҳам қўшимча қиймат солиғидан озод этилиши лозим эди. Шу боис адлия бошқармаси Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғи С.Ғуломов номига қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан ижроси мажбурий бўлган тақдимнома киритди.

Мазкур тақдимнома ижроси ва унга жавоб йўллаш муддати бир ой қилиб белгиланган эди. Бироқ тақдимномага роппа-росса икки ой жавоб бўлмади. Шундан сўнг жорий йилнинг 27 февралида адлия бошқармаси ноқонуний ундирилган 6.203.331 сўмни божхона бошқармасидан қайтаришни ёки уни корхонанинг бошқа солиқ тўловлари учун қабул қилиш мажбуриятини юклашни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Буни қарангки, адлия бошқармасининг хўжалик судига даъво аризаси киритганидан хабар топиб, вилоят божхона ходимлари бирдан ҳаракатга тушиб қолишди ва ноқонуний ундирилган маблағни тез орада қўшма корхонага қайтаришди.

Мана шу тариқа икки ўртадаги можарога чек қўйилди. Аммо мутасаддиларни ўз фаолиятларига тааллуқли қонунларни пухта ўзлаштирмагани ёки билиб туриб уларга амал қилмагани кишини ўйлантиради. Акс ҳолда улар бундай хатога йўл қўйишмаган ёхуд киритилган тақдимномадан кейин ўз хатоларини тузатган бўлишарди.

Икромжон ИСАКОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

КРЕДИТЛАШ: КАФОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Микрокредитлар қарз олувчиларга кичик ускуналарни харид қилиш; ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш ҳайвонлар, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дорилари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, маъданли ўғитларни харид қилиш; хомашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш; меҳнат воситалари, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш (ишлар бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларини амалга ошириш мақсадлари учун берилади.

Қарз олувчи банкка мажбуриятларни таъминлаш воситаларининг қуйидаги турларидан бирини тақдим этиши мумкин:

- **мол-мулк гарови;**
- **банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;**
- **учинчи шахсларнинг кафиллиги;**
- **суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан кредитни кайтармаслик хатари суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси;** (фермер хўжаликлари томонидан қайтарилмаслик хавфини олинадиган кредит маблағининг 50 фоизи миқдорида мажбурий суғурта қилиш, ҳосил ва молмулкнинг 50 фоизи ихтиёрий суғурта қилингани тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси).
- **маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини идорасининг кафиллиги.**

Фермер хўжалигини кредитлашда қўлланиладиган мол-мулк гарови микрокредит қайтарилиши таъминотининг шаклларидан бири ҳисобланади. **«Гаров тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров ашёси бўлиши мумкин. Ушбу қонуннинг 43-моддасига кўра, гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан, ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятларидан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин. Шу ўринда, **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредит олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкинлиги тўғрисидаги меъёрнинг етарли даражада қўлланилмаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бу қонунчиликда кредитларни таъминлашнинг воситаси сифатида ер участкасини ижарага олиш механизми мукаммал ишлаб чиқилмаганидан далолатдир. Фикримизча, қонунчилигимизда фермер хўжалиги ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш асослари меъёрдан ортиқ даражада белгиланган. Масалан, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларида шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш ижара шартномасини қўпол равишда бузиш, деб ҳисобланади ва у ижара шартномасини бекор қилишга асос бўлади. Шу сабабли банклар бундай мажбуриятни таъминлаш чорасини белгилашни маъқул топмайди. Ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида қисқа муддатли кредитлар олиш ва ер участкасига ижара ҳуқуқи билан эгалик қилиш учун жорий йилда кутилаётган ҳосилни гаровга қўйиш, узоқ муддатли кредитлар олиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қиймат баҳосини белгилаш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Ижаранинг муддатли эканини ҳисобга олган ҳолда унинг амал қилиш муддати тугагунга қадаргина гаров нарсаси бўлиши мумкинлигига эътибор қилиниши ва айниқса, фермер хўжалиги ер участкасини ижарага олиш муддатининг узайиши ерга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳиссини уйғотишда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қонунчиликда бундай шартномаларнинг давлат рўйхатига олиниши лозимлиги белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки, кафиллик қарздор билан кафил ўртасида бенефициар-банк фойдасига ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади ва улар томонидан имзоланади. Фуқаролик кодексининг 293-модда, 2-қисмига биноан башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизларни тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимлари ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди. Шунингдек, кафил кафиллик билан таъминланган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Қонунга мувофиқ қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб беради, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса (ФКнинг 293-модда 1-қисми).

Бундай ҳолатда маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролари йиғини кенгаши қарздор мажбуриятлари бўйича кафиллик шартномасига мувофиқ ўз мол-мулки билан жавоб беради. Қарз олувчи асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда қайтармаган тақдирда банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат этмасдан, ундиришни мустақил равишда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Хулоса сифатида айтсак, қонунчиликдаги ушбу меъёрлар кичик тадбиркорлик ва фермер хўжалиги тараққиётига ёрдам беришга хизмат қилади. Шу билан бирга уларни такомиллаштириб бориш ҳаётий заруратдир. Чунки шу субъектлар фаолияти кенгайгани сари янгидан-янги ҳуқуқий муносабатлар юзага келаверади.

Улуғбек ДЎСТОВ,
ҳуқуқшунос

Islohot va imkoniyat

ЯРАШУВ – БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси ҳаётга татбиқ этилди. Биргина “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши» муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши нафақат жазо тизимида, балки инсон тафаккури ва тақдирида ҳам кескин ўзгариш ясади. Мазкур қонун қабул қилингач, амалдаги Жиноят кодексининг 30 та моддасида кўрсатилган жиноятларнинг бирини содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Айни чоғда Жиноят процессуал кодекси ҳам ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш ҳақида 62-боб билан тўлдирилди. Унда тергов, суд жараёни ҳамда юқори турувчи суд инстанцияларида ярашувни амалга ошириш тартиблари аниқ белгилаб қўйилди.

Фикримизни янада ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг очиқ суд мажлисида Ихтиёр Имомқуловга тааллуқли жиноий иш кўриб чиқилди. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, ҳали ўттиз ёшни ҳам қоралаб улгурмаган И.Имомқулов нега суднинг қора курсисига ўтирди?

Гап шундаки, у ўтган йил сентябр ойида маст ҳолда уйига кириб келади. Шундан сўнг алланиманинг устидан хотини Дилафрўз Ҳошимова билан жанжаллашиб қолади. Бунинг натижасида у хотинига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган шикаст етказади.

Бор-йўғи воқеа шундан иборат. Қонун нуқтаи назаридан қараганда, Ихтиёр Имомқулов жиноят содир этган. Бу воқеа юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисида ҳам у Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганига тўлиқ иқрор бўлди. Шу билан бирга у суд мажлисига қадар Дилафрўз билан ярашгани, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, қилмишидан қаттиқ пушаймон экани ва ўзига тааллуқли бўлган жиноят ишини жабрланувчи билан ярашганликлари туфайли ҳаракатдан тугатишни сўраб, ариза берди.

Жабрланувчи Дилафрўз Ҳошимова ҳам судга илтимоснома киритиб, эри билан ярашгани ва шу боис судланувчига нисбатан жиноят ишни ҳаракатдан тўхатишни сўради.

Албатта, суд томонларнинг ярашгани, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги ва пушаймонлигини инобатга олиб жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатди. Ярашув иши жорий этилиши туфайли бир оила барбод бўлмади. Отага “судланган” деган тамға босилмади.

Нусрат Шодмонов Қоровулбозор туман электр тармоқлари корхонасида ишлайди. Яқинда у Абдуҳолиқ Ғиждувоний номидаги ширкат хўжалиги бошқарув идораси олдидан 5 дона симёғоч ва 4 дона бетон таянчларни яширин равишда уйига олиб кетган. Аниқроқ айтганда, у Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб, туман “Телекоммуникация” боғламасига катта миқдорда моддий зарар етказган.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судида кўриб чиқилди. Судланувчи суд мажлиси чоғида, дастлабки тергов жараёнида эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон экани, моддий зарарни қоплангани ва фуқаровий даъвогар билан ўзаро ярашганини билдириб, суддан ўзига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўради.

Фуқаровий даъвогар И.Турдиев Нусрат Шодмонов корхонага етказган зарарни тўлиқ қоплагани сабабли у билан дастлабки тергов жараёнида ихтиёрий равишда, ҳеч қандай тазйиқсиз ярашгани, унга нисбатан корхонанинг умуман даъвоси йўқлигини билдириб, суддан судланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатма берди. Мазкур иш ярашув асосида ҳаракатдан тўхтатилди. Жиноят кодексининг 66-1-моддасига асосан судланувчини жавобгарликдан озод қилиб, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарилди.

Кўриниб турганидек, жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг амалда қўлланилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлмоқда. Қолаверса, либераллаштириш тўғрисидаги қонуннинг моҳияти инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда асосан шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди.**

Халқимизнинг шарқона табиатига ва қадриятига мос келадиган бундай усулдан фойдаланиш неча минглаб кишиларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, уларни оилалари бағрига қайтариш, ҳаёт лаззатларидан бахраманд бўлиш имконини берди. Бундан кейинги энг муҳим вазифа суд амалиётида мазкур ҳуқуқий институтнинг бир хилда қўлланилиши ва қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Акмал ЗОИРОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Faoliyat

ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

у нималардан иборат?

Донишмандлардан бири “касаллик минг хил, лекин саломатлик биттадир” деган экан. Бу сўз замирида бир олам маъно мужассам. Шунинг учун ҳам бугун фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш ва шу орқали соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айлангани барчамизга аён. Мамлакатимизда “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастурлари доирасида белиланган устувор вазифалар ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Мазкур вазифалар ФҲДЁ бўлими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаган. Бу масъулиятли вазифани муваффаққиятли уддалашда “Сиҳат саломатлик йили” давлат дастури билан бирга “Оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури”, Вазирлар Маҳкамасининг “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан утказиш тўғрисида”ги Низом муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, Поп туманида ўтган 2004 йилда 1067 никоҳ қайд этилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорагида бу кўрсаткич 165 тани ташкил этди. Айни пайтда туман марказий поликлиникасида бешта йўналиш бўйича шифокорлар фаолияти йўлга қўйилган. Шифокорлар никоҳланувчиларни нафақат тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур маслаҳатларни бериш, балки уларга амалий ёрдам қўлини чўзишаётганини ҳам эътироф этиш лозим.

Аксарият ёшларимиз турмуш қуришдан олдин бирор-бир билим даргоҳида таҳсил олаётгани айни ҳақиқат. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, туманимиздаги таълим муассасалари, жумладан, кўпгина умумтаълим мактаблари, Гурумсарой иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик, Поп маиший хизмат, Санг маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари, қолаверса, бир қатор маҳаллаларда ёшлар билан ўтказилган учрашувлар, ўқув семинарларида ёшлар ўзлари учун муҳим ҳаётий маълумотлар олишмоқда. Бунда туман хотин-қизлар кенгаши, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик ижобий самара беряпти. Туманда ўтган йилда 2003 йилдагига нисбатан ажралишлар сонининг 20 фоизга, бир ёшгача бўлган болалар ўлими эса 22 фоизга камайгани ҳам бунинг исботидир.

Шу ўринда ўз тақдирига совуққон муносабатда бўлаётган, тиббий кўрикдан ўтмасдан қонуний никоҳсиз турмуш қураётган ёшлар ҳам гоҳ-гоҳида учраб турганини афсус билан айтиб ўтиш жоиз.

Хўш, бундай ёшларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, маҳалла фаоллари қаёққа қарашяпти? Фарзандлари ўз жуфти билан тинибтинчиб кетиши, эртага осуда ҳаёт кечиришини улар наҳотки хоҳлашмаса?

Бу каби саволларга жавобан шуни айтиш лозимки, ҳаётга лоқайдлик билан қараш, ҳуқуқий саводхонликнинг етарли эмаслиги муаммонинг асосий сабабидир. Шундай экан, ҳаётга теран боқиш, қолаверса, қонунлар мазмун-моҳиятини яхши англаш ҳар бир кишига масъулият юклайди. Зеро, соғлом оила — жамият таянчидир.

Нодира ЖАЛОЛОВА
Наманган вилояти

Xabar

ЭКОЛОГИК ОЛИМПИАДА

Шу йил 27 май куни Олий Мажлис палаталарининг Аграр сув хўжалиги масалалари ва экологик қўмиталари, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, “Экосан” халқаро ташкилоти ва Тошкент Давлат юридик институти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ТДЮИ талабалари ўртасида “Экология ҳуқуқи” бўйича олимпиада бўлиб ўтди.

Талаба ёшлар ўртасида табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш, ундаги мутаносибликни меъёрида сақлаш, бу соҳага оид қонун талабларини тарғиб этиш мақсадида ўтказилган ушбу олимпиадада экологияга оид ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, қатнашчилари томонидан экологияга тааллуқли қонунларни янада такомиллаштиришга қаратилган амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Уларни Олий Мажлис ва табиатни муҳофаза қилишга алоқадор давлат идораларига ўрганиб чиқиш учун юбориш тавсия этилди.

Олимпиада ғолибларига институт ректорати, “Экосан” халқаро ташкилоти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Фарҳод АКБАРОВ

Luqma

“Хоразм-шакар” очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ўтган йил охирида Қўшкўпир туманидаги “Раҳим Олим” фермер хўжалиги ҳисобидан 303,1 минг сўмлик асосий қарз ва 151,5 минг сўмлик устама ундиришни кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси берди.

ТАШХИС: “ҲАФСАЛА ТАНҚИСЛИГИ”

Унда кўрсатилишича, жавобгар тараф тумандаги “Ших Жаббор” фермер хўжалигининг "Хоразм-шакар" корхонасининг қарзини тўлаш мажбуриятини расман ўз зиммасига олган. Аммо сўзининг уддасидан чиқмаган. Бу фурсатда қиймати 303 минг сўмдан иборат бўлган қарз урчиб, устама фоизлари 151,5 минг сўмни ташкил этган. Корхона айнан шунисига даъвогар. Шундай қилиб, қарзнинг умумий ҳажми 454,4 минг сўмдан иборат. Устига устак, салкам 20 минг сўмлик суд харажатлари ҳам корхона ҳисобидан қопланди.

Суд ишга киришди ва фикримизча холисона иш тутди. Ҳужжатлар таҳлил этилди, даъвонинг мазмун-моҳияти ўрганилди. Ниҳоят, ишни ўрганиш вақти ва муддати белгиланди. Бу юзадан даъвогар ва жавобгар тарафларга хабарнома юборилди. Даъвогар тарафга юборилган хабарномани корхона раҳбарининг шахсан ўзи қабул қилиб олди. Бироқ суд мажлисида фақат жавобгар тарафнинг вакили иштирок этди. Даъвогар судга етиб келмади. Келолмаслик сабабини ҳам билдирмади, суд мажлисини бошқа кунга кўчиришни ҳам сўрамади.

Даъвогар суд мажлисига узрли сабаблар туфайли келолмаса, суд мажлисини бамаслаҳат бошқа вақтга кўчириш мумкин. Қонун бунга изн беради. Ишни ҳар ҳолда даъвогарнинг иштирокисиз кўриш мумкин. Бироқ бунинг учун у расман розилик бермоғи лозим.

Бироқ даъвогар мақомидаги “Хоразм-шакар” корхонаси раҳбарлари жамоанинг қонуний манфаатларига ҳам, суд олдидаги бурч ва мажбуриятларига ҳам лоқайд қарашди. Хабардор бўлишса-да, судга келишмади. Ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни ҳам билдиришмади. Аслида даъвогар ўзининг талаби, далил ва исботларини бевосита суд мажлисларида иштирок этган ҳолда асослаб ва тасдиқлаб бериши, қарши тараф суд, тергов ва бошқа манфаатдор томонларнинг важларини эшитиб, унга жавобан ўз муносабатини билдириши зарур. Афсуски, бундай ҳолат рўй бермади. Даъвогар ўз манфаатини менсимади, қарздан кўл силтади. Начора, бундай вазиятда қонун унинг манфаатларини ҳимоя қилишга ожиз. Бинобарин, суд ишни кўрмасдан қолдирди. Адолат суднинг шу юзадан чиқарган ажримида тўла намоён бўлганига шубҳа йўқ. Шундай қилиб, бир неча йиллардан буён "семириб" ётган қарзни ундириш имкони чиппакка чиқди. Хўш, бундан ким манфаат кўрди? Жамоанинг она сутидай ҳалол ҳақи ҳафсаласизлик боис унмай қолганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Қонуний даъво судда нега қўллаб-қувватланмади? Наҳотки, “ёшулли”лар судга ариза йўллаш ва корхона ҳисобидан бож тўлаш билан ишни битдига чиқарган, қолганини ҳакамнинг ўзига ҳавола этиб, ўзларини ишбилармонга ҳисоблаётган бўлишса?

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Jahon tajribasi

МЕЗОН – ОДИЛЛИК

Японияда суд тизими ихтисослашмагани боис, мамлакатда хўжалик, ҳарбий, конституциявий, фуқаролик, маъмурий судлар фаолият юритмайди. Уларнинг ўрнида интизомий, оилавий, ҳудудий, юқори ва Олий суд мавжуддир. Интизомий ва оилавий судлар биринчи инстанция судлари ҳисобланиб, уларда фуқаролик, хўжалик ҳамда жиноят ишлари кўрилади.

Оилавий судларда эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳар қандай низолар, никоҳни бекор қилиш, нафақа тўлаш, мерос каби бошқа келишмовчиликларга доир низолар ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

Ҳудудий судларда эса биринчи инстанция суди тариқасида интизомий ва оилавий судларда кўриладиган ишлардан ташқари, барча турдаги ишлар кўрилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, оилавий судларнинг вазифаси, оила манфаатларини ҳимоя қилишга, эр-хотин, ота-она ва фарзанд ёки яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ва мажбурий тартибдан ҳоли вазиятда ҳал қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам оилавий судларда барча ишлар, жумладан, вояга етмаганларнинг жиноят ишлари ёпиқ суд мажлисида кўрилади. Юқори судлар — интизомий, ҳудудий ва оилавий судлардан юқори турувчи ва уларнинг қарорлари устидан берилган апелляцияларни иккинчи инстанция суди сифатида кўриб чиқадиган судлардир.

Биринчи инстанция судларида ишлар тури, моҳияти ва мураккаблигига қараб, бир ёки уч нафар судьядан иборат ҳайъатда кўрилади. Юқори судларда эса барча ишлар апелляция тартибида уч нафар судьядан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

Олий суд алоҳида мақомга эга бўлиб, ишлар бўйича охирги қарорни чиқаради.

Олий суд, асосан икки хил йўналишда фоалият юритади: юқори судлар қарорларига келтирилган апелляцияларни кўриб чиқиб, узил-кесил ҳал этади ҳамда қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлигини текширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Японияда биринчи инстанция ва апелляция инстанциясидан иборат суд фаолияти амал қилади.

Биринчи инстанция судининг қарори апелляция инстанциясида, яъни юқори судда кўрилади. Иккинчи маротаба шу суднинг қарори ҳам апелляция асосида Олий судда кўрилиши мумкин ва шу инстанцияда охирги қарор чиқарилади. Қонуний кучга кирган қарорлар устидан шикоят келтириш ва уларни қайта кўриб чиқишга йўл қўйилмайди. Фуқаролик ишларини кўриб чиқувчи судларда судья ишни кўришни тайинлашдан олдин тарафларнинг ярашувга мойиллиги бор ёки бундай мулкдан ажралиб қолишни тассаввур қилиш фермер учун жуда катта тижорат хавфи экани каби муносабатлар ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматида ўз аксини топиши зарур.

Кредит шартномаси мажбуриятларини таъминлаш усулларидан бири бўлган восита сифатида ҳозирда автотранспорт воситаларини гаровга қўйиш ҳолатларини кўплаб кузатиш мумкин. Фуқаролик кодексининг 274-моддаси талабларига кўра, бундай ҳолатда гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш мажбуриятлари гаровга қўювчига юкланади. Бу эса автотранспорт воситаларининг тез аммортизациялиниши ёки йўқолиши хавфини суғурта объектига айлантиришни тақозо этади. Баъзан эса гаровга қўйилган автотранспорт воситаларини бошқаларга сотиб юбориш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Шунинг учун қонунчиликда бундай шартномаларнинг давлат рўйхатига олиниши лозимлиги белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумки, кафиллик қарздор билан кафил ўртасида бенефициар-банк фойдасига ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади ва улар томонидан имзоланади. Фуқаролик кодексининг 293-модда, 2-қисмига биноан башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизларни тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимлари ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди. Шунингдек, кафил кафиллик билан таъминланган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Қонунга мувофиқ қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб беради, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса (ФКнинг 293-модда 1-қисми).

Бундай ҳолатда маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролари йиғини кенгаши қарздор мажбуриятлари бўйича кафиллик шартномасига мувофиқ ўз мол-мулки билан жавоб беради. Қарз олувчи асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда қайтармаган тақдирда банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат этмасдан, ундиришни мустақил равишда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Хулоса сифатида айтсак, қонунчиликдаги ушбу меъёрлар кичик тадбиркорлик ва фермер хўжалиги тараққиётига ёрдам беришга хизмат қилади. Шу билан бирга уларни такомиллаштириб бориш ҳаётий заруратдир. Чунки шу субъектлар фаолияти кенгайгани сари янгидан-янги ҳуқуқий муносабатлар юзага келаверади.

Улуғбек ДЎСТОВ,
ҳуқуқшунос

Японияда суд тергов қилиш, далиллар йиғиш билан мутлақо шуғулланмайди. Судларда суд терговини тенг мавқега эга бўлган прокурор ва адвокат томонларнинг тортишув тамойили асосида олиб боради. Судья эса холислик сақлаган ҳолда фақат томонлар тақдим этган далилларга баҳо бериб, якуний хулоса чиқаради. Жиноят процессида адвокатлар ҳам мустақил далиллар тўплаш ҳуқуқига эга.

Японияда барча судьяларнинг ваколат муддати 10 йил қилиб белгиланган ва судьялар мамлакат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Олий суднинг раисини Япония императори тайинлайди. Судьянинг 10 йиллик ваколат муддати тугаганидан сўнг яна шу муддатга қайта тайинланиши, агар судьянинг ёши 65-70 га етган бўлса, қонун асосида истеъфога чиқиши мумкин. Судьялар заҳирасини таъминлаш билан Япония Адлия вазирлиги ҳузуридаги тузилган махсус комиссия шуғулланади.

Кўриниб турганидек, Япония суд тизими ўзига хос жиҳатлари билан бошқа давлатлар суд тизимидан ажралиб туради.

Шоира САЙДУЛЛАЕВА,
Васила КАРИМОВА

ҚАРСАК ҚАЧОН ЧАЛИНАДИ?

Бундан сал илгари танишларимдан бири яхши ният билан ўғлини уйлантирди. Шинам тўйхонада дастурхон тўкин. Тўй эгаларининг қўллари кўксида. Сертакаллуфлик билан меҳмонларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилишди. Аммо...

Тўй даврасини олиб бораётган даврабоши (кўп ҳолларда ўртакаш ҳам дейилади)нинг бир-бирига қовушмаётган тутуриқсиз гап-сўзлари кўпчиликни ғашига тегди. Чунки у келинкуёвни қутламоқчи бўлган меҳмонни "тўй марказига" (ўзининг ибораси билан айтганда) чорлар экан, қолганлардан "гулдурос қарсаклар" талаб қилар, қарсаклардан сўнг эса "чапак чалганларнинг уйига чалпак ёғилсин", "қарсак чалмаганларнинг уйини таракан боссин", деб сафсата сота бошларди. Тўғриси, аввалига бу ёшгина йигитча ўзича ҳазил қилаяпти, деган ўйда унинг гап-сўзларига унчалик эътибор бермадик.

Аммо унинг бачкана қилиқлари (шундан бошқа ибора топа олмадик) ортса ортдики, сира камаймади. Тўйга келган меҳмонларнинг энсаси қотган бўлса-да, азбаройи истиҳола қилганидан бир нарса дейишмади. Ниҳоят, тўй эгасининг яқинларидан бири унинг яқинига бориб, қулоғига нимадир, деб шивирлади. Бироқ бунинг фойдаси бўлмади...

Ана шунда кўнглимда бир савол пайдо бўлди: қарсак қачон чалинади?! Нега бу йигитча ҳадеб меҳмонлардан қарсак талаб қилаяпти? Унинг бунга маънавий ҳақ-ҳуқуқи борми? Ахир, меҳмонни тўйга ташриф буюришининг ўзи мезбонга нисбатан иззат-ҳурмат намунаси эмасми?

Хуллас, бу саволлар тўйдаги бир воқеа сабаб юракка тугилган эди. Яқинда яна бир воқеа юз бергач, беихтиёр қўлимга қалам олдим.

Гап шундаки, яқинда "Туркистон" саройининг ёзги концертлар залида ёш ва иқтидорли хонандалардан бирининг концерти бўлиб ўтди. Дам олиш куни бўлгани учун қўни-қўшнилар маслаҳатлашиб, болаларни концертга олиб боришга қарор қилдик. Аммо...

Келинг, шу ўринда бир масалага ойдинлик киритиб олайлик. Биз бу ўринда хонанда ва унинг концерт дастури ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Шунингдек, фонограмма мавзусида ҳам баҳс юритиш фикридан ҳам йироқмиз.

Қисқаси, ўша куни ўриндиқларни эгаллаб, концерт бошланишини кута бошладик. Ва, ниҳоят, чиптада белгиланган вақтдан ярим соатлар кечикиб концерт "бошланди". Шу ўринда газетхонларимиз "бошланди" сўзини қўштирноққа олганимизга алоҳида эътибор қаратишини истар эдик.

Аввалига саҳнага хонанда эмас, концерт олиб борувчилар чиқиб келишди. Албатта, бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам биз бундан ҳайратга тушганимиз йўқ. Бироқ бошловчиларнинг нутқи шу даражада суюқ ва саёз эдики, тўғриси, ўзларини қайсидир бир хусусий радиоканалнинг вакиллари сифатида таништирган йигит билан қизнинг сўзлари концертнинг бошиданоқ меъдага тега бошлади. Улар ўзларини "Д-жей" ёки "Д-жокей", деб таништиришди. (Бу сўзларнинг маъносини чуқур англай олмаганимиз сабабли таҳлил қилиб ўтирмадик). Шундан сўнг аллақандай тумтароқ ва баландпарвоз сўзлар билан хонанда таништирилди. Ва...

Ҳа, концерт бошланди. Лекин илк қўшиқни ҳам хонанда эмас, яна ўша "д-жей" ёки "д-жокей"лар гуруҳи давом эттиришди. Бу тўрт нафар «хонанда»нинг "қўшиғини" ҳам таҳлил қилишдан тийиламиз. Чунки бу "қўшиқ" ҳақида бирор-бир қаттиқроқ сўз айтиб қўйсак, улар бизни замонавий мусиқани тушунмасликда айблаши мумкин...

Хуллас, яна бир шогирднинг "гўзал хониши"дан сўнг кутилган хонанда саҳнага чиқиб келди. Кутилган қарсаклар янгради. Албатта, рўзғоридан орттириб чипта сотиб олган томошабин концертда ҳаваскор "д-жей", "д-жокей" ёки шогирдни эмас, аксинча, ўзи қўшиқларини севиб тинглайдиган хонандани кўришни истайди. Шундай бўлди ҳам. Қўшиқлар тингланди. Қарсаклар чалинди. Лекин...

Яна такрор айтамизки, концертнинг савияси эмас, аксинча, концерт ташкилотчиларининг савияси хусусида сўз юритишни лозим топдик. Чунки концертнинг белгиланган вақтдан роппа-роса ярим соат кечикиб бошлангани айнан концерт ташкилотчиларининг томошабинга нисбатан ҳурматсизлигидан далолат беради. Шунингдек, бошловчиларнинг беўхшов сўзларини ҳам томошабинга нисбатан ҳурмат сифатида қабул қилишнинг иложи йўқ. Чунки ҳар икки гапнинг бирида томошабиндан қарсак талаб қилаётган, "негадир мана бу томонда ўтирганлар қарсак чалмаяпти" ёки "бу томонда ўтирганларнинг қарсаги менга эшитилмаяпти", деб писанда қилаётган бошловчиларнинг гап-сўзлари концертга келганларни зериктириб юборди. Шунда ҳамроҳларидан бири иддаоли саволни ўртага ташлади: "Қизиқ, булар қарсакни талаб қилиб олишадими?!"

Дарҳақиқат, қарсак қачон ва нима учун чалинади? Албатта, киши тўлқинланиб кетганда, эшитаётган қўшиғидан қаттиқ таъсирланганда, биров эслатиб турмаса ҳам қарсак чалиши мумкин. Лекин қўшиқдан таъсирланмаётган, ундан завқ олмаётган одамни мажбур қилиб ҳам қарсак чалдириб бўлмайди.

Ё газетхонлар фикримизга қўшилмайдиларми?

Ислом ҲАМРО,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mulohaza uchun mavzu

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Nadomat

Яқинда Булунғур тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари туманда қандай ижро этилаётгани юзасидан текшириш ўтказилди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида Булунғур шаҳрида яшовчи Дилшод Йўлдошевнинг ноқонуний равишда уйида қўлбола усулда ароқ тайёрлаб сотаётгани аниқланди. Унинг хонадонидан 280 шиша қўлбола ароқ, 8 литр сифатсиз спирт маҳсулоти ва 2 минг дона сохта ароқ ёрлиқлари топилди. Сохта ароқфурушнинг ноқонуний хатти-ҳаракати юзасидан туман прокуратурасида жиноят иши қўзғатилди.

Сохта ароқфурушларга Х.Ўтаевнинг ҳам "тадбиркор"лик фаолиятига чек қўйилди. Текшириш давомида унинг уйидан 15 литр спирт, бир қанча қопқоқ ва ёрлиқлар топилди. Сохта тадбиркор қилмишига яраша қонуний жазоланди. "Булунғур" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Фарида Абдужабборова аёл боши билан жиноятга қўл урди. У уйида 73,5 литр сифатсиз спирт маҳсулотини ноқонуний равишда тайёрлаб, уларни яширинча сотаётган пайтда қўлга тушди. Фарида Абдужабборова қилмишига яраша жазо олди, албатта. Лекин аёл кишининг бундай қинғир иш билан шуғулланиши иснод эканини у билармикан?

"Дўстлик" ширкат хўжалигида яшовчи Дилором Норқулова ҳам аёллик шаънини ўйламайдиганлар тоифасидан экан. У уйида 423 литр истеъмолга яроқсиз спирт ва юз шиша 0,5 сиғимли қалбаки акциз маркалари елимланган қўлбола ароқ маҳсулотларини ноқонуний равишда сотаётган пайтида қўлга олинди. Нафси ҳақалак отган Дилоромнинг кирдикорларига қонун йўли билан чек қўйилди.

Бундан ташқари, текшириш пайтида Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги "Янгибозор" ширкат хўжалигида яшовчи Юсуф Ҳайитов ўзига тегишли "КАМАЗ" русумли автомашинасида 297 литр истеъмолга яроқсиз спирт маҳсулотларини ноқонуний равишда Булунғурдан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда тўхталиб қолинди. Ҳозирда унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Нафс қурбонларига айланишган сохта тадбиркорлар қилмишларига яраша қонуний жазоланишди. Лекин масаланинг бошқа жиҳати кишини чуқур ўйга толдиради. Гап шундаки, қўлбола ароқ тайёрлаётган бундай кимсалар арзимас пул учун одамлар саломатлигини хавф остига қўяётганини билишмайдими? Жуда яхши билишади, бироқ нафсини ҳамма нарсадан устун ҳисоблашади. Акс ҳолда юртдошларининг соғлигига зиён етказувчи бундай қинғирликка қўл уришмаган бўларди.

Собиржон РУСТАМОВ,
Булунғур тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи,
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



ҚАЛТИС ҚАДАМ

Jinoyatga jazo muqarrar

СУД ОЧЕРКИ

Маҳамадали Охунов Чуст шаҳрининг шундоқ биқинидаги "Қумариқ" маҳалласида яшайди. Қарамоғида тўрт нафар фарзанди ва ногирон хотини бор. У ҳалол меҳнат билан ҳам рўзғор тебратишнинг уддасидан чиқиши мумкин эди. Бироқ у пул топишнинг қалтис йўлини танлади...

Ҳикоямиз қаҳрамони киракаш машинага ўтириб, Чуст шаҳри марказига етиб олди. У ердан эса Фова қишлоғига элтувчи машиналарининг ўриндиқларидан бирини банд этди.

— Йўл бўлсин? — дея сўради таниш-билишлар Маҳамадалидан.

— Кўктошга, — деб жавоб қайтарди у.

— Ў-ҳ-ў, масза экан-да, — деди ҳаваси келган суҳбатдошларидан бири. — Қимиз ичишнинг вақти ўтмадимикин?!

— Ия, Кўктошга фақат қимиз ичиш учун бориладими? У ерда уч-тўрт бош сигирим бор. Улардан хабар олгани кетяпман, оғайни.

Ҳақиқатан ҳам, Маҳамадалининг қўшни республика ҳудудидаги Кўктош қишлоғида таниш-билишлари бор. Улардан бири Бозорбой ака Каримов эди. У билан беш-олти йилдан бери борди-келдини йўлга қўйганди.

Ўша куни Маҳамадали манзилига тушдан кейин етиб борди.

— Келинг, — дея меҳмонга пешвоз чиқди Бозорбой ака, — қани, тортинмай ичкарига кираверинг.

Мезбон ошхонасини суваётган экан. Эскидан гап бор: "Қари келса ошга, ёш келса ишга!" Маҳамадали ҳам енгини шимариб, ишга киришиб кетди. Кексалар бежизга "сендан угина, мендан бугина", деб айтмаганда! Бозорбой ака Маҳамадалининг бир бош эмас, тўрт-беш бош чорвасини боқиб семиртириб беряпти. Шу боис қўл қовуштириб, томошабин бўлиб туриши ярамайди.

Хуллас, мезбон ва меҳмон ошхонани бир зумда суваб бўлишди.

— Абдуманноп уйдамикан? — деб сўради меҳмон иш якунига етгач.

Абдубанноп — Бозорбой аканинг иккинчи ўғли. Тешиктош маҳалласида, алоҳида ҳовлида яшайди. Унинг уйига бориш учун эса яна бир ярим чақиримча йўл босиш керак.

— Ҳа, уйида, — дея жавоб қайтарди мезбон.

— Ака, мана бу нарсаларни уйингизга олиб бориб, яшириб қўйинг, — дея тайинлади Абдуманноп, — мен икки-уч кундан кейин бораман.

— Хўп!

Қопчиқни қўлтиққа қисган Маҳамадали ширин хаёллар ўз оғушига олди. У қандай қилиб, пиёда Тешиктошдан Кўктошга етиб келганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бироқ Фова қишлоғидаги чегара постида ширин хаёллари ари уясидек тўзиб кетди...

— Маҳамадали Охуновга тегишли халта очиб кўрилганда, — дея кўрсатма беришди судда холис гувоҳлар, — унинг ичидан 418,5 грамм гиёҳвандлик моддаси чиқди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда у истиқомат қилаётган ҳовлининг хашакхонасидан умумий оғирлиги 184,38 грамм "гашиш" гиёҳвандлик моддаси ҳам топилди.

— Мен банги эмасман, — деди суд мажлисида М.Охунов. — Гиёҳванд моддаларни сотмоқчи ҳам эмасдим. Фақат холис хизмат қилдим, холос...

Суд мазкур жиноятга оид барча ашёвий далил ҳамда холис гувоҳларнинг кўрсатмаларини инобатга олди. Судланувчига нисбатан жазо тури ва меъёрини тайин этишда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилали ва қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, оилада ўзи ягона боқувчи бўлиб, турмуш ўртоғи учинчи гуруҳ ногирони экани эътиборга олинди. Судланувчи Маҳамадали Охунов Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми ҳамда 25-273-моддаси 5-қисмида қайд этилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди ва қилмишига яраша жазога тортилди.

Мазкур жиноят ишининг Абдуманноп Каримовга тааллуқли қисми тергов идоралари қарорига асосан тезкор-суриштирув ҳаракатларини олиб бориш учун қўшни республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Нафс васвасасига учиб, ташланган биргина ножўя қадам киши умрини издан чиқариб юбориши мумкин. Баён этилган воқеа бунинг исботи. Ундан ҳулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mashhur kishilar hayotidan

Оддий кишилар ҳамиша машҳур инсонларнинг шахсий ҳаётига қизиқиш билан қараб келган. Шунинг учун ҳам дунёга донг таратган истеъдодли сиёсатшунослар, адиблар, санъаткор-у хонандалар ҳақида халқ орасида турфа ҳангомалар юради. Уларнинг айримларида машҳурларнинг бир-биридан ғалати феъл-атвори ҳақида сўз борса, бошқаларида ҳеч қандай "қолип"ларга сиғмайдиган қилиқ ва одатлари тилга олинади. Қуйида қайси бир жиҳати билан сизга яхши таниш бўлган айрим дунёга машҳур инсонларнинг ғайриоддий одатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

"ҚОЛИПГА" СИҒМАГАН ОДАТЛАР...

Бир пайтлари кўпчилик адабиёт ихлосмандларига ўз асарлари билан жуда яхши таниш бўлган Ги де Мопассан, Александр Дюма, Шарл Гуно, Леконт де Лил ва бошқа кўплаб маданият арбоблари Франция ҳукуматига норозилик хати йўллашган. Ушбу хатда Париждаги дунёга машҳур Эйфел минорасини "йўқотиш" (!) талаб қилинган. Қўлимизда ўша пайтдаги Франция ҳукумати раҳбарлари маданият арбобларининг талабларига қандай жавоб беришгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, лекин тарих саҳифаларида Париж шаҳри раҳбарлари билан муҳандис Гюстав Эйфел ўртасида тузилган шартнома нусхаси сақланиб қолган. Ушбу шартномада таъкидланишича, муҳандиснинг 1909 йилдан бошлаб Эйфел минорасини бўлакларга бўлиши ва уларнинг сотилиши кўзда тутилган...

Шартнома нима учун бажарилмаганини билмадигу, лекин ушбу минора ҳамон Париж шаҳрида савлат тўкиб турибди.

Кино ихлосмандлари машҳур актриса Сара Бернарни яхши билишади, албатта. Лекин ушбу буюк истеъдод эгасининг етмиш ёшида ўн уч ёшли Жулетта образини яратганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Энг асосийси, Сара Бернар театр саҳнасида Жулетта ролини ижро этаётганига ўша пайтда ҳам кўпчилик ишонмаган. Ахир, етмиш ёшли кампир ўн уч яшар қизалоқ образини яратишига ақл бовар қилмайди. Бироқ истеъдодли ва ўз соҳасининг фидойиси бўлган Бернарнинг буни эплагани айни ҳақиқат.

Баъзан исм-фамилия ҳам кишининг келажакдаги ҳаётига таъсир қилади, деган гап-сўзларни эшитиш мумкин. Кимдир буни хурофот деб атаса, яна биров шундай бўлишига ишонади. Хуллас, бу ўринда ҳар кимнинг фикри ўзига ҳавола-ю, лекин қуйида кишини ана шу таъбирга ишонтириши мумкин бўлган бир воқеани келтириб ўтамиз.

Ойга камдан-кам одамнинг оёғи текканини яхши биламиз. Шунингдек, машҳур астроном Базза Олдриннинг исм-шарифи ҳам кўпчиликка таниш. Буни қарангки, Олдрин онасининг қизлик фамилияси Моон бўлган экан. Агар Моон сўзини тўғридан-тўғри ўзбекчага ўгирсак, у Ой деган маънони беради. Демак, яхши исм нафақат инсоннинг ўзи, балки унинг фарзандлари ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонса бўлар экан-да...

Одатда, машҳур кишилар, ҳукумат раҳбарлари бошқа одамларга ибрат бўладиган эзгу ишларни амалга оширади. Қолаверса, оддий халқ вакиллари ўз ҳаётлари давомида машҳурлардан андоза олиб яшашга ҳаракат қилади. Америка Қўшма Штатларининг энг машҳур Президентларидан бири бўлган Жорж Вашингтонни бутун дунё аҳолиси яхши билади десак, адашмаймиз. Унинг Америка давлатини "оёққа турғазиш" йўлида қилган фидойиликлари ҳақида том-том асарлар битилган. Лекин дунёга халқига фидойилиги билан ибрат бўлган бу машҳур инсоннинг ўзига тегишли бўлган шахсий боғида гиёҳванд ўсимликлар етиштириш билан шуғулланганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Албатта, биз бу билан Жорж Вашингтон гиёҳванд моддалар истеъмол қилган, деган даъвони илгарига сурмоқчи эмасмиз. Лекин унинг гиёҳванд ўсимликлар парваришига қизиққани айни ҳақиқат.

Бугун дунёнинг бирор-бир бурчагида Уолт Десней ҳақида билмайдиган одам топилмаса керак. Уолт Десней ўз мультфилмлари билан, айниқса, болаларнинг юрагидан чуқур ўрин олган. Нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам унинг мультфилмларини қизиқиб томоша қилишади. Уолт Деснейни ёшлигидан яхши билган кишиларнинг гувоҳлик беришича, у ёшлигида турли жониворларни қийнашни хуш кўрган. Айниқса, тўтиқушларга азоб берганда олам-олам "завқ" олар экан. Улғайиб, эсини йиғиб олган Десней кейинчалик жониворларга азоб бериш ёмон иллат эканлигини англаб етади. Лекин ўзининг севимли "машғулот"ини ташлашга ҳам кўзи қиймайди. Буни қарангки, орадан анча вақтлар ўтиб унинг бу "ярамас одати" ҳаёт йўлини белгилаб беради. Чунки у энди турфа жониворларга ҳаётда эмас, балки мультфилмларида "азоб" бера бошлайди. Ўқувчиларга яхши маълумки, айнан мана шу "машғулот"и уни дунёга машҳур бўлиши ва бой-бадавлатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлди...

Жаҳон эстрадаси ихлосмандлари Ник Кейв ҳақида яхшигина маълумотга эга. Юртимизда ҳам бу хонанданинг ўзига яраша ихлосмандлари бор, албатта. Лекин улар Ник Кейвнинг "дум" билан туғилганини билишмаса керак. Никка доялик қилган шифокор аёлнинг гувоҳлик беришича, у ажабтовур дум билан дунёга келган. Бироқ бу "ортиқча даҳмаза" Ник Кейвнинг дунёга машҳур хонанда бўлиб етишишига ҳеч қандай салбий таъсир қилмаган.

Дунёдаги энг машҳур бастакорлардан бири бўлган Бетховенни таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки у ўз замонасида ҳам, ҳозир ҳам жаҳонда тан олинган бастакор ҳисобланади. Лекин Бетховеннинг ҳаёти дарбадарликда ўтганидан кўпчилимиз бехабармиз. Шундай буюк иқтидор эгаси ўз ҳаёти давомида дарбадарлиги учун ҳатто қамалиб ҳам чиққан экан.

Инглиз адибаси Вирджиния Вулфнинг асарлари ҳамиша қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Унинг ихлосмандлари жаҳоннинг барча мамлакатларида топилади. Буни қарангки, Вулф хоним ўзининг барча асарларини тик турган ҳолда ёзган экан. Ўзининг айтишига қараганда, Вулф ўтирган ҳолда ижод қила олмаган. Чунки ўриндиққа чўкиши билан "илҳом пари"си уни тарк этаверган. Шундан сўнг у тик турган ҳолда ёзишнинг машқини олган.

Ўз даврида бутун дунёни титратган Наполеон Бонапартни мағлубиятга учратган рус армияси қўмондони Суворов жуда оддий ҳаёт кечирган. Шу боис, турли туман асъаса-ю-дабдабаларни ёқтирмаган. Ўлими олдидан ўзининг қабрига маҳобатли ёдгорлик тоши ўрнатишларини ҳам таъқиқлаган экан. Шунинг учун ҳам бугун машҳур қумондоннинг қабрини зиёрат қилган одамлар унинг тепасига оддийгина тош қўйилгани ва унга "бу ерда Суворов ётибди", деган тўрттагина жумла ёзилганига гувоҳ бўлишади.

Машҳур Рим императори Нерон расман эркак кишига уйланган экан. У ўзининг бу ғайриоддий ва ғайриахлоқий қарорини қули Скрусни "севиб" қолгани билан изоҳлашга ҳаракат қилган.

Эрамиздан аввалги 213 йилда Хитойни бошқарган яна бир император Цин Ши Хуанди ҳам ўзининг кўз кўриб-қулоқ эшитмаган фармони билан тарих саҳифаларидан ўрин олган. У мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган барча китобларни – у бадиий адабиёт бўладими, тарихий-илмийми — барчасини ёқиш ҳақида фармон чиқарган ва унинг ижросини жуда қаттиққўллик билан назорат қилган. Айрим хитойлик тарихчиларнинг айтишларича, бу билан бадахлоқ император Хитой халқи ва давлатчилиги тарихи ўз номи билан бошланишини кўзлаган экан.

И. ҲАМРОЕВ
тайёрлади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — .
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5 6